

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АГРОНОМИЯ ВА ТУПРОКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

5620200 –Агрономия (дехкончилик махсулотлари буйича)

5140900 – Касбий таълим (Агрономия)

5620100-Агрокимё ва агротупрокшунослик

«Гулчилик» фанидан

Лаборатория машгулотларни бажариш буйича ишланмасининг паспорти

Лаборатория машгулоти № 1

МАВЗУ: 6- машгулот: Ёпик ерларда гулли ва манзарали

усимликларнинг агротехникаси (2 соат)

Лаборатория машгулотларни бажариш учун тайёрланган Услубий курсатма Агрономия ва тупрокшунослик кафедрасида ва университет илмий кенгашида тасдикланди ва шу асосида дарс утишга рухсат берилди.

№ _____ « _____ » _____ 2010у.

Тузувчилар:

Х.Салимова

Р.Юнусов

Кафедра мудири к.х.ф.н., доцент

Р.ЮНУСОВ

Лаборатория машгулоти № 6

Ёпик ерларда гулли ва манзарали усимликларнинг агротехникаси (2 соат)

Керакли жихозлар: тупрок хиллари, туваклар, угит, гулли ва манзарали усимликларнинг намуналари

Машгулотнинг мақсади:

Гулчиликда купинча ярим иссик ва совук парниклар кулланилади. Чукурлар, албатта, кия килиб ковланади: пастда унинг кенглиги уртача 1,2 м булса, юкорисига караб 1,6 м гача кенгаяди. Вактинча ёки кучирилувчан иссикхоналар тупрок устига яъни чукурчаларсиз, бироз жанубга кия килиб урнатилади. Бу холда биоёкилги юзарок чукурчага жойланади ва тупрок билан кумилади. Юкориси эса 2-3 та ромларга тахталардан устунчалар урнатилиб ёпилади.

Гулчиликда оддий богининг яхши кумланган тупроги ҳам гул уругларини экиш учун яроклидир. Шунинг учун унутмаслик кераки, гулчилик учун тулик чиримаган чиринди билан угитланган тупрок мутлако ярамайди. Бундай тупрокда одатда, мавжуд буладиган замбуруг ва могор экинига катта зарар етказади. Гул кучати экиладиган саёз идишларнинг баландлиги 5-6 см, диаметри эса 15 см дан 25 см гачадир. Идишнинг тубида идиш диаметрига кура 1-3 та тешикчалар булиши керак. Идишга тупрок солишдан аввал бу тешикчалар сопол синиклари билан беркитилади. Сунгра идиш тубига 5-7 мм калинликда кум солинади. Кумнинг устидан майда тупрок шундай солинади-ки, кучат сугорилганда, унинг юзаси идиш деворларидан 5-7 мм паст булиб турсин. Уруглар экиш олтидан намланган тупрокка кулда секиб экилади. Сунгра уруглар майда тешикли элакдан утказилган тупрок билан кумилади. Бундай тупрок калинлиги уругчалардаги кучатни майда тешикли гулчелак билан сугорилади, идишчалар ойнавон иссик бинолардаги суриларга, иссикхона ёки уйлардаги дераза тоқчаларига куйилади.

Иссикхоналарда гул кучатларини етиштиришда тупрок хароратини атроф-мухит ва хаво хароратидан 2-3 ° баланд ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кучатли яшик ва саёз

идишчаларни иссик сувли ёки бугли иситиш кувурлари устига куйиш тавсия киланади, чунки купгина усимликлар коронгуликда хам уса оладилар. Кучатлар пайдо булганда яшик ёруг жойларга куйилади, лекин тика куёш нурларидан усимликни саклаш керак. Хона хароратини 2-3⁰ га пасайтирилади. Иссик кунлар келиши билан кучатли яшиклар шамоллатиб туриладиган иссик ёки иссикрок хоналарга кучирилади.

Иссикхона ва кучатзорларга экиш февралнинг иккинчи ярмидан март охригача амалга оширилади. Иссикхоналарни экиш учун тайёрлашда гунг устидан 10-12 см калинликда тупрок аралшмаси сепилади, пухталики билан текисланади ва бирмунча зичланади. Экилгандан сунг ер ва иссикхона роми ойнаси ёки плёнка орасидаги масофа 8-10 см дан кам булмаслиги керак. Иссикхонадаги ер бирмунча кизигандан сунг, уни сугориб, уруглар сепилади. Уруглар юза буйича бир текис килиб сепилади ва хаскаш билан ёки майда элакдан утказилган юмшок кумли тупрок билан кумилади ва енгил шиббалаанади.

Иссикхонада кукуруз, рудбекий, ёзги хризантема ва бошка йирик усимлик кучатлари етиштирилади. Кейинчалик кучатларни бошка жойларга кучириб утказиш учун уруглик яшикларга ва бир йула иссикхона ёки кучатзорларга сепилади. Бир йиллик кучатлар олгандан сунг, иссикхоналарни икки ва куп йиллик усимликларни экиш учун ишлатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буриев Х.Ч., Абдурахмонов Л.А., Джананбекова А.Т. Гулчилик. Т., «Мехнат», 1999.
2. Джананбекова А.Т. Цветоводство (Текст лекции) Т., 2000.
3. Зиновьева Н.Ф. Комнатное цветоводство. Т., «Мехнат», 1988
4. Кияткин А.К. Цветы Узбекистана. Т., «Мехнат», 1978.
5. Сайт: <http://www.floriculture.ru> Комнатное цветоводство.